

ТАРИХИЙ ҲИКОЯЛАРДА “УМАРШАЙХ МИРЗО” ОБРАЗИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

З.М.Амиркулова – ўқитувчи
Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: тарих, ҳикоя, адабиёт, образ, мустақиллик, ижодкор, муаллиф, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Танбал, Жаҳонгир мирзо.

Ключевые слова: история, история, литература, образ, независимость, создатель, автор, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Танбал, Джаҳонгир.

Key words: history, story, literature, image, independence, creator, author, Zakhiriddin Muhammad Babur, Ahmad Tanbal, Jahongir.

Ўзбек адабиётида тарихий мавзуда ёзилган ҳикоялар салмоқли ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида тарихий мавзуда кўплаб асарлар яратилди. Аждодларимизнинг ибратли қаҳрамонона курашлари тарихини қайта жонлантириш унинг олтин зарваракларидан ўрин олган. Бу асарлар орқали адабиётда ватанпарварлик ғоялари атрофлича ёритиб берилди ва халқимизнинг сеvimли фарзандлари ҳаёти ва ижодий фаолияти авлодлари қалбидан ўрин эгаллай бошлади. Тарихий ҳақиқатлар қанчалик ибратли ва ҳайратланарли бўлмасин, у адиблар қалами остида қайта яратилар экан, маълум маънода бутунги кун билан, давр ва шахс муаммоси билан боғланмаса, тўла маънода маърифий ва эстетик қувватга эга бўлолмайди. Мунаққид П.Шермухаммедов таъкидлашича, “Инсоннинг беҳаловат руҳияти шуниси билан ҳайратланарлики, у ҳеч қачон тарихий воқеалар, муҳим ҳодисалар, ибратли фактларга лоқайд қарамайди, ёки уни шунчаки билиш билан қаноат ҳосил қилмайди... Одамлар қалбидаги бу маънавий эҳтиёжни санъаткор адиб ўз пайтида туйиб, шундай бир бадий олам кашф этадики, у кўзгу янглиғ аждодларимизнинг ҳақ-ҳуқуқи, озодлиги йўлида олиб борган мардонавор курашини тиниқ акс эттиради. Зеро, тарихий воқеа-ҳодисалар санъаткор қаламининг кучи билан “тирилтирилмаса”, ўтмишимиз ниҳоятда қашшоқлашиб, хира тортиб қолган бўлур эди” [7:205].

Х.Дўстмухаммад айтганидек: “Бадий адабиётда ҳар қайси жанр ўз ўрни, ўз файзи, аҳамиятига эга. Лекин ҳикоя жанрига хос бўлган имкониятлар туфайли ҳамиша у нисбатан кўп яратилади, кўп эълон қилинади, бинобарин, ҳар бир миллий адабиётнинг ўзига хос кундалиқ нафаси, қадам олиши, мавқеи ҳикояда кўпроқ намоён бўлади” [2]. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, тарихий ҳикояларда ёзувчи тарихий ҳақиқатни бузмаслиги ва қаламга олинаётган тарихий воқеани бадий ҳақиқат даражасига олиб чиқиши лозим. Бу муаллифдан катта бадий маҳорат билан бир қаторда, кучли билимни ҳам талаб қиладики, маҳорат ва билим уйғунлигида яратилган асар адабиёт мулкига айланади.

Адабиётшунос С.Мирвалиев таъкидлаганидек: “Ёзувчи тарихчи яратган асар асосига ҳам суянади, нима бўлганлигини тарих фанидан ўрганиб, унинг қандай бўлганлигини бадийлаштиради, яъни ҳаётӣ ҳақиқатлардан бадий ҳақиқат, санъат ҳақиқатини келтириб чиқаради” [7:116].

Мустақиллик шарофати билан тарихий ҳақиқат тиклангач, бадий адабиётда ҳам тарихий асарлар яратилиш билан бир қаторда улуг боболаримиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ уларнинг шонли ҳаётини акс эттирган асарлар пайдо бўла бошлади. Мана шундай сиймолардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо бўлиб, мустақиллик даври адабиётида бу шахс сиймоси ўзига хос тарзда талқин қилинди.

Темур Қурбон қаламига мансуб “Ўлим шарпаси”, Дурбек Қўлдош қаламига мансуб “Хуфийна битим”, “Шикор” каби ҳикояларда темурий шахзода, Абу Саид Мирзонинг тўртинчи ўғли, Андижон вилояти ҳокими, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх мирзонинг ўлими билан боғлиқ тарихий ҳодисалар ва Бобурнинг ҳаётига оид воқеалар қаламга

олинади. Тарихий манбаларда келтирилишича, Умаршайх Мирзонинг ўз салтанати ҳудудларини кенгайтириш мақсадида қилган ҳаракатларидан таҳликага тушган акаси Султон Аҳмад Мирзо Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхон ибн Юнусхон билан ўзаро иттифок тузиб 1494 йилда Андижонга қўшин тортадилар. Бироқ шу йилнинг 9 июнида, шундай таҳликали пайтда Умаршайх Мирзо Аҳси шаҳридаги қароргоҳида элчи қаптарларни учуриш вақтида қаптархона билан бирга жарга қулаб ҳалок бўлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида отасининг ўлими ҳақида қуйидагича маълумот беради: “Бу аснода ғариб воқеа даст берди, мазкур бўлуб эдиким, Аҳси кўргони баланд, жар устида воқе бўлубтур, иморатлар жар ёқасида эрди. Ушбу тарихда душанба куни рамазон ойининг тўртида Умаршайх мирзо жардин қабутар ва қабутархона била учуб, шунқор бўлди. Ўттуз тўккуз ёшар эрди” [3:15]. “Ўлим шарпаси” ҳикоясида муаллиф ушбу тарихий фактни ўзига хос услубда бадий тўқималар билан бойитади. Ҳикоя туш мотиви билан бошланади.

Адабиётшуносликда туш мотиви анъанавий тарих воситаларидан бири бўлиб, ҳикоя, қисса, роман, достон каби лирик ва лиро-эпик асарларда ва айрим сюжетли шеърларда қўлланади. Халқ оғзаки ижодининг эпик жанрларида, мумтоз ва замонавий адабиётда яратилган шеърӣ, насрий ва драматик асарларда туш мотивидан фойдаланиш қаҳрамонларнинг руҳӣ ҳолатини очиб беришда муҳим ўрин тутди. “Ўлим шарпаси” ҳикоясида туш мотиви, айнан, мана шу вазифани бажаради. Ёзувчи асар қаҳрамонининг руҳӣ ҳолатини очиб бериш, кайфиятини, ички кечинмаларини ёритиш, психологик таҳлил қилиш, асар воқеаларини ўзаро боғлаб, унинг шаклан ва мазмунан яхлит бир бутунлигини таъминлашда туш мотивидан унумли фойдаланади. Шу орқали қаҳрамонни қуршаб турган турли муаммолар, унинг дилини жунбушга солаётган руҳӣ кийноқлар ва азоблар билан ўқувчини таништиради. Умаршайх Мирзонинг ички кечинмалари ва шу ғалаёнлар таъсирида унинг маълум руҳӣ кайфиятда ҳаётӣ воқеаларга аралашуви ва муносабат кўрсатишини жонли тасвирлайди. Тушда кўпинча келажакда юз берадиган воқелик ҳақида рамзлар орқали хабар берилади. Ёзувчи ҳикояда тушларга хос шу муҳим хусусиятдан ифода воситаси сифатида ўринли фойдаланади. Асарда Умаршайх Мирзо тушидаги ҳар бир тасвир, нарсаси ва ҳодиса, ҳатти-ҳаракат ва ҳолат ўзининг маъносига эга. Ёзувчи Умаршайх Мирзо тушида яйдок отга миниши ва отнинг ҳуркиб йиқилишини тасвирлаш орқали унинг кейинги ҳаётидаги воқеаларга ишора қилади. Бу орқали ўқувчи асар воқеалари ҳақида тасаввурга эга бўлади. Ҳикояда тасвирланаётган воқеа ўша давр сиёсий вазиятини ҳам ўқувчи кўз олдида жонлантиради. Асарда тарихий факт ва бадий тўқима уйғунлашиб асар жозибасини оширишга хизмат қилган.

Қаҳрамоннинг замондошлари ва тарихчиларнинг бу тарихий шахсларга берган баҳоси асарни ўқишли қилади. “Ўлим шарпаси” ҳикоясида муаллиф тарихий шахслар характерини аниқ ва яққол тасвирлайди. Бу муаллифнинг ҳикоя қилинаётган воқеа ва ўша давр ҳақида аниқ маълумотга эга эканлигидан далолат

беради. Ҳикояда Умаршайх мирзодан ташқари, Қорақўзбегим, Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой, Хожа Хусайнбек, Шайх Мазидбек, Али Мазидбек, Ҳасан Яъқуббек, Қосимбек қавчин, Бобоқули Бобо Алибек, Али Дўстбек (тағойи), Мир Ғиёс, Али Дарвеш, Қанбар Али мўғул каби образлар ҳақида Бобур “Бобурнома” асарида маълумот берган. “Бобурнома”да қайд этилишича, Умаршайх Мирзо паст бўйлик, пахмоқ соқоллик, юмалоқ юзли, тўла, лўппи киши бўлган. Кийимни тор тиктириб кияр, саллани чирмаб ўрар эди; ханафий мазҳаблик, соф эътиқодлик киши эди, беш вақт намозини вақтида адо этар эди. Хожа Аҳрор Валийни ўзига пир санар, унинг кўпдан кўп суҳбатларида қатнашган. Умаршайх Мирзо хушхулқ, саховатли ва мард инсон бўлган. Қорақўзбегим эса, Умаршайх Мирзонинг ёш ва севимли хотини бўлиб, Бобур у ҳақда: “Яна бир Қорақўзбегим эрди, сўнгралар олиб эди, хейли суюклук эди. Мирзонинг хушомадина насабини Султон Абусаид мирзонинг оғаси Минучухр мирзога етқуриб эди”, - деб ёзади. Муаллиф ҳикояда мана шу тарихий маълумотларни бадиий тўқималар билан бойитади.

Ҳикояда тилга олинган тарихий шахслардан бири Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой бўлиб, Султон Малик Қошғарийнинг ўғли Аҳмад Ҳожибекнинг иниси бўлган. “Бобурнома”да келтирилишича, Худойбердибек ўлгандан сўнг Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдойни эшик оғаси қилиб юборади. Султон Абусаид мирзонинг воқеасидин сўнг Андижон беклари билан чиқишолмагач, Самарқандга Султон Аҳмад мирзо хизматига боради. Умаршайх мирзо Самарқандни олиш мақсадида Ўратепа устига келганда Ўратепани Умаршайх мирзо ихтиёрига топшириб, унинг хизматига қиради. Умаршайх мирзо унга Андижонни беради. “Бобурнома”да Бобур Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой ҳақида “Сўнгралар Султон Маҳмудхон қошига бориб эди. Мирзо Хонни топшуруб Дизакни анга бериб эдилар. Мен Кобулни олгондин бурунроқ Макка азимати қилиб, Ҳинд йўли билан мутаважжих бўлди! Йўлда тенгри раҳматига борибтур. Фадир ва камсухан ва беҳайсиёт киши эрди” [3:15], - дея маълумот беради. Муаллиф “Ўлим шарпаси” ҳикоясида “Бобурнома”да келтирилган мана шу тарихий маълумотга асосланади:

“Хожа Хусайнбек одми ва фақир киши эрди. Ул замон дастури билан ичқуларда қўшукларни яхши айтур экандур” [3:15]. Ушбу маълумот ҳикояда қуйидагича бадиий акс этади: “Кўринишидан бекка ҳам ўхшамайдиган, доимо фақир одамлардек одми кийиниб юрадиган Хожа Хусайнбекнинг рангпаргина юзидан мирзо ҳеч қандай маъно уқиб ололмади” [6:97].

“Ўлим шарпаси” ҳикоясида муаллиф “Бобурнома”да келтирилган маълумотлардан ўринли фойдаланади. Бироқ бу билан ҳикоя Бобур ҳақида бизгача етиб келган тарихий-адабий манбаларда битилган маълумотларнинг такрори деган хулоса чиқармаслик керак. Ҳикояда муаллиф услубининг ўзига хослиги сезилиб туради. Муаллиф мавжуд маълумотларни ўрганиб, янги, тарихий ўзига хос асарни яратишга муваффақ бўлган.

“Ўлим шарпаси” ҳикоясида муаллиф табиат тасвири орқали Умаршайх мирзонинг руҳий ҳолатини очиб беришга муваффақ бўлади.

“Ўлим шарпаси” ҳикояси тарихий асар талабларига тўла жавоб беради. Ҳикояда макон ва замон масаласи тарихий мантиқ асосида ҳал этилган. Қаҳрамонларнинг нутқини, характериини очиб беришда тарихий фактлардан ва бадиий тўқималардан маҳорат билан фойдаланади. Психологик тасвирлар тарихийликни бадиийликка олиб ўтган. Бундан ташқари, муаллиф асар воқеаларини баён этишда куруқ баёнчиликдан

қочади. Ҳикояда Умаршайх мирзонинг руҳий ҳолати маҳорат билан очиб берилади.

Дурбек Қўлдош қаламига мансуб “Хуфиёна битим” ҳикоясида эса Умаршайх мирзонинг фожиали ўлиmidан кейин Бобурга хиёнат қилган бекларнинг ўзаро хуфиёна битим тузиш жараёни қаламга олинади. Конкрет тарихий шахсларга бағишланган адабий асарларда бадиий тўқима бир қадар камроқ ишлатилади. Масалан, Умаршайх мирзонинг ўлими билан боғлиқ тарихий фактни ўзгартириб, бошқача тасвирлаб бўлмайди. Лекин “Ўлим шарпаси” ва “Хуфиёна битим” ҳикояларида бу фактни икки муаллиф тарих ҳақиқатига содиқ қолган ҳолда, масалага ўзига хос ёндашади. Бундай ўзига хослик бадиий тўқимадан асарларнинг жанр тақозосига кўра фойдаланиш демакдир.

Адабиётшунос Т.Бобоевнинг фикрича, “Бадиий образ китобхонда, албатта, қандайдир эстетик ҳиссиёт (эмоция) уйғотиши керак. Чунончи, ҳаётдаги хунукликни акс эттирган бадиий образ китобхонда нафрат уйғотса, гўзалликни ифодалаган образ эстетик завқ-шавқ беради. Ёзувчи бадиий образ орқали эстетик идеалини тасвирлайди: идеал ижобий образда бевосита, салбий образда билвосита ифодаланади. Ёзувчи ҳар бир образга эҳтирос билан ёндашиши, унга фаол муносабатда бўлиши лозим. Шунга кўра, у ёки бу асарни ўқиганимизда биз ҳам бадиий образ фаолиятига бефарқ қарай олмаимиз: улардан ё завқланамиз ёки нафратланамиз” [1:49]. Масалан, “Хуфиёна битим” ҳикоясидаги Аҳмад Танбал, Узун Ҳасан ва Ҳасан Яъқуббек образлари бизда салбий фикр уйғотса, Бобо образи ижобий фикр уйғотади. Аҳмад Танбал, Узун Ҳасан ва Ҳасан Яъқуббек образлари тасвирида ҳам муаллиф тарихий маълумотларга асосланганига гувоҳ бўламиз.

“Ўлим шарпаси” ҳикоясида Умаршайх мирзонинг фожиали ўлими воқеаси тасвирланса, “Хуфиёна битим” ҳикоясида Умаршайх мирзонинг ўлиmidан кейинги хиёнаткор бекларнинг Бобурга қарши фитна уюштириши тасвирланади.

“Хуфиёна битим” ва “Ўлим шарпаси” ҳикоялари сарлавҳаси мана шундай хусусиятга эга. “Ўлим шарпаси” ҳикоясидаги туш мотиви асосида очиб берилиши лозим бўлган ғоя мазмуни сарлавҳа билан узвийдир. “Хуфиёна битим” ҳикоясида эса сарлавҳанинг номиёқ асар мазмунини ўқувчи кўз олдида аниқ тасаввур пайдо қилади. Бадиий асарда кишининг ташқи киёфаси, сиймоси, кийим-кечаги тасвири, яъники портрет муҳим роль ўйнайди. Портрет атамаси, одатда, икки маънода, яъни қаҳрамоннинг ташқи кўриниши (тор маънода) ва қаҳрамоннинг психологик киёфаси (кенг маънода) қўлланади. Санъаткор ёзувчи қаҳрамоннинг ташқи киёфасини чизиш орқали ҳам унинг руҳиятига киришга интилади. Хусусан, портрет унсурларидан кўз, юз, кулги, кўз ёши ва бошқалар санъаткор учун қаҳрамон руҳий дунёсини очувчи қалит бўлиб хизмат қилади. “Ўлим шарпаси” ҳикоясида муаллиф қаҳрамонларнинг ташқи кўринишини тасвирлар экан, тарихий манбаларга мурожаат қилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Умаршайх мирзонинг портретини яратишда муаллиф “Бобурнома”даги маълумотларга таянади. Умаршайх мирзо “Бобурнома” да қуйидагича тасвирланади: “Паст бўйлуқ, тегирма соқоллик, қўба юзлуқ, танбал киши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоқким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлағондин сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эдиким, боғлари узулур эди. Киймоқта ва емоқта бетақаллуф эди. Дасторни дасторпеч чирмар эди. Ул замонда дасторлар тамом чорпеч эди, бечин чирмаб, алоқа қўяр эдилар. Ёзлар ғайри

девонда аксар муғулий бўрк кияр эди” [3:15]. Ушбу маълумотлар ҳикояда бадий тарзда ўз аксини топади.

Хусусан, таникли олим Акрам Каттабеков таъкидлаганидек, “Халқ тилида сингармонизм қонуни ҳукмрон. Айтайлик, “борган” эмас, “борғон”, “қўйган” эмас “қўйгон” деб гапирилиши одаг тусини олган. Ҳозир йўқ бўлиб кетган баъзи сўзлар ҳам истеъмомда. Чунончи, илик (қўл), черик (аскар), каби ва ҳоказолар. Ҳар қалай текстда тушунарли бўлиб турган ва атайлаб

луғат кўриш шарт бўлмаган айрим сўз ва ибораларни қўллаш замон руҳига яқинлаштиради ва асарнинг ишонтириш кучини оширади” [4:28].

“Ўлим шарпаси”, “Шикор”, “Хуфиёна битим” ҳикояларида адибларимиз миллат ва Ватан тарихини, буюк аждодларимиз ҳаёти ва тақдирини ҳужжатли манбалар асосида, тўлақонли, бадий ифодасини муҳим вазифа сифатида белгилаб, маҳорат билан очиб беришда қатта ва бой тажриба орттиришди.

Адабиётлар

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2002. 49-б.
2. Дўстмуҳаммад Х. “Ҳикояларда ҳаёт ва ҳаёл ҳақиқати”. –Т.: // “Шарқ юлдузи”, 2010. № 5.
3. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: “Юлдузча”, 1989. 15-б.
4. Каттабеков А. Тарихдан сабоқ олиб. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1997. 28- март.
5. Мирвалиев С.Ўзбек романи. -Тошкент: “Фан”, 1969. 116-б.
6. Темир Қурбон. Ўлим шарпаси. // “Шарқ юлдузи”. -Тошкент: 2011. №6. 7-б.
7. Шермухамедов П.Тарихчи ва ижодкор нигоҳи. //“Шарқ юлдузи”. - Тошкент: 1977. № 3. 205-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тарихий мавзудаги ҳикояларда “Умаршайх мирзо” образининг бадий сюжет воситалари ва хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Бунда тарихий мавзуда асар ёзганда ёзувчи муаллифдан тасвирланаётган давр ҳаётини ёки тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолиятини тарих ҳужжатлари асосида ўрганиш, шу даврнинг тарихий колоритини ҳаққоний тасвирлаш, персонажлар нутқида ўша давр кишилари тилига хос хусусиятларни акс эттириш ҳақида батафсил баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются средства и особенности художественного сюжета исторического образа “Умаршайх мирза” исторических рассказах. При написании произведения на историческую тему автор подробно описывает жизнь того периода или жизнь и деятельность описываемого автором исторического деятеля на основе исторических документов, точно отображая исторический колорит этого периода, отражая язык персонажей

SUMMARY

This article discusses the means and features of “Umarshayx mirzo” the artistic plot in historical stories. When writing a work on a historical topic, the author describes in detail the life of the period or the life and activities of the historical figure described by the author on the basis of historical documents, accurately depicting the historical color of this period, reflecting the language of the characters.

ЕРТЕ ДЭЎИРДЕГИ ШЫҒЫС ӘДЕБИЯТЫНДА ҚУСЛАР ОБРАЗЫНЫҢ ЖАСАЛЫҒЫ

Ш.А.Арзыев – еркин излениўши

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: адабиёт, Шарқ адабиёти, қушлар образи, классика, шоир.

Ключевые слова: литература, Восточная литература, образы птиц, классика, поэт.

Key words: literature, Oriental literature, images of birds, classics, poet.

Жәхан халықлары әдебияты тарийхына нәзер таслар екенбиз бунда әйемги Күншығыс әдебиятының пайда болдығы күтә ерте дэўирлерге барып такалады. «Шығыс еллериниң әдебияты бурыннан-ақ үлкен көркем дәстүрлерге бай, хәр тәрәплеме жетилскен шебер шайырларды тәрбиялап шығарған әдебиятлардың бири. Тарийхшылардың берген мағлыұматларына қарағанда бул мәдениет естеликлери хәтте бизинң эрамыздан бурынғы дэўирлерден баслап раўажланған» [2:6]. Әлбетте, Күншығыс әдебияты дегенде қытай, хинд, араб хәм парсы әдебиятлары менен бир қатарда түркий халықлар әдебияты да нәзерде тутылады. Өзиниң терең төркинлерине ийе болған бул мәдениет ошағында көплеген аңыз-әңгимелер, жазба естеликлер, уллы данышпанлардың әдебий дөрөтпелери дүньяға келди хәм жер шарының түрли аймақларына тарқалды. Бул шығармалардың хәр бири қайталанбас мазмунға, әдеп-икрамлылық, данышпанлық хәм терең философиялық уғымларына ийе болыу менен бир қатарда бийтәкпар образлар әлеми менен де инсаният кәлбинен орын алған. Хәр бир дэўирдинң дөретиўшилери өз шығамаларында көркем образ жасаўдың хәр қыйлы усылларынан пайдаланған. Көркем образ биринши нәўбетте Адам характерин ашып бериўде әҳмийетке ийе. Деген менен, көркем шығармада тек ғана адам образын жасаў жетекшилик етеди деген пикирди келтирип шығармаўы керек. Себеби инсан өмиринде оны қоршаған орталықтың, ана тәбияттың да өз орны бар. Соның ушын да тәбияттағы көпшилик кубылыслардың, тиришиликтиң хәр қыйлы ағзаларының образын жаратыў көркем әдебиятта ески-

ден киятырған усыл деп айта аламыз. Бул дөрөтпелерде көплеген тиришилик ағзалары менен бир қатарда қушлар образы да көркем образ сыпатында кең түрде қолланылған. Қушлар образының көркем әдебиятта қолланылыўы тосыннан болған кубылыс емес. Оның келип шығыў дереклери де образ жасаўдың басқа усыллары сыяклы күтә ески дэўирлерге барып такалады. Буған мысал ретинде көпшилик дүнья халықларының әдебий мийрасларын, жазба естеликлерин келтирип өтиўге болады.

Ески әдебий мийрасларда қушлар образы көбирек тымсалый (аллегориялық) образлар сыпатында берилсе, соңын ала классикалық поэзияда хәм рәмзий (символлық), хәм тымсалый образ түринде сәўлеленди. Сондай-ақ шығармалардың көркемлігин тәмийнлеўде қушлар сүўретлеў қураллары, көркем деталь түринде де өнимли қолланылды.

Хинд халқының үлкен естелиги, күншығыс еллери арасында кең тарқалған «Қалила хәм Димна» шығармасы өзиниң терең философиялық мазмуны, инсанларды әдеп-икрамлылыққа, жоқары адамгершилик пазыйлетлерге қарай тәрбиялаўға қаратылған идеясы менен жәхән әдебиятында айрықша орынға ийе. Бул дөрөтпениң тийқарғы қатнасыўшы қахарманлары – хайўанатлар менен қушлар. Ондағы образларды тымсалый рәўиште бере отырып китап авторы данышпан Бейдаб адамлардың бир-бирине болған мүнәсибетлерин, қарым-қатнастарын, хәрекетлерин сәўлелендиреди. Мәселен, күшлилер: Пил, арыслан, жолбарыс, қасқыр; хийлекер: түлки менен шағал; ойсыз: доңыз, өгиз, ешек; меҳрибан: қарлығаш пенен кептер х.т.б.